Taclqiqot.uz

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022

DEKABR

№47

Toshkent shahar, Amir Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz

CONFERENCES.UZ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 18-ҚИСМ

НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ КОНФЕРЕНЦИЙ: ЧАСТЬ-18

NATIONAL RESEARCHES OF UZBEKISTAN: CONFERENCES SERIES: PART-18

ТОШКЕНТ-2022

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

УДК: 616.728.2-001.5-002-089.843

ЧАНОҚ СОН БЎҒИМИНИ ТОТАЛ ЭНДОПРОТЕЗЛАШ ҚАРШИ КЎРСАТМАЛАРДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КЛИНИК МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИ БАҲОЛАШ

Бекметов Р.А.
Бабажанов Қ.Б.
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали
Бекметов Равшан Адамбаевич +998 93 748 47 79
Бабажанов Қудратбек Бахтиёрович +998 90 578 70 77
e-mail: artur.bekmetov@icloud.com
e-mail: babajanov-k.b81@mail.ru

Аннотация: жарохатдан кейинги коксартрозларда чаноқ сон бўғими капсуласи ва бойламларининг ўзига хос тузилишга келиши сабабли клиник морфологик ўзгаришлар бир қатор белгилар билан намоён бўлади. Жумладан бўғим капсуласини ташкил қилишда иштирок этган бўғим бойларидан ёнбош сон бойлами (Бертини бойлами) олд оёқчасини циркуляр бойлам кесишмаси билан битишиб функционал фаолиятининг чегараланиши натижасида соннинг ички ёки ташқи ротацияси вужудга келиб чаноқ сон бўғимдаги харакатларнинг кескин чекланиши билан намоён бўлади. Морфологик жиҳатдан айнан бўғим капсуласи ва бойламларининг ўзаро битишган сохаларида дағал коллаген толали тузилмалар ва хондраматоз ўчоқларнинг такомил топиши билан юзага келади. Айнан чаноқ сон бўғимини эндопротезлашга қарши кўрсаткмалар бўлганди, ушбу ўрганилган маълумотлар асосида паллиатив даволаш тактикасини ишлаб чиқаришни такомиллаштиради.

Калит сўзлар: морфология, чаноқ сон бўғими капсуласи, чаноқ сон бўғими бойламлари, соннинг торсион характалари.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқот объекти сифатида Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси “Травматология ва ортопедия бўлими” бўлимида 2019-2022 йилда 86 та постравматик коксартрозда чаноқ сон бўғимини эндопротезлаш амалиёти даврида капсулотомия қилинган бўғим капсуласи олинган. Олинган бўғим капсуласини морфологик ўзгаришлари таҳлил қилинди.

Олинган натижалар: Чаноқ сон бўғими капсуласини ташкил этган фиброз тўқима ва капсула бойламларининг (lig, iliofemorale. lig, pubofemorale, lig ishiofemorale, lig. capitis femoris) ўзига хос компоновкадаги ўзгаришлари аниқланди. Жумладан постравматик коксартрозларда чаноқ сон бўғими капсуласининг олд (lig, iliofemorale) ва орқа (lig ishiofemorale) боғламларидаги деструктив ва дегенратив ўзгаришларнинг юзага келиши билан давом этади. Айнан постравматик коксартрозларда бўғим капсуласи олд ва орқа бойламларининг шикастланиши ва юзага келган ўзгаришлари травманинг биомеханикаси ва жараённинг давомийлигига боғлиқ бўлиб, асосан бир вақтнинг ўзида бўғим капсуласи олд юзасини 3/2 қисмини эгаллаган циркуляр бойламнинг бўғим капсуласига ёпишиб битишма ва зич сохали юзаларни хосил қилиши натижасида капсуланинг деформациясига ва клиник жиҳатдан 3/2 холатда соннинг ташқи ротацияси ва 3/1 ҳолатда соннинг ички ротациясини юзага келиши билан давом этади. Бу жараён беморнинг жинси ва конституционал тузилишига ва вазннинг оғирлигига боғлиқ ҳолда юзага келади. Айнан бўғим капсуласини морфологик ўрганишлар асосида юзага келадиган клиник белгиларни бартараф этиш учун самарали усулларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Агар беморларда постравматик коксартрозларда эндопротезга қарши кўрсатмалар юзага келса, айнан ўрганилган морфологик ўзгаришларни инобатга олиб проспектив тахлил асосида чаноқ сон бўғимида паллиатив жаррохлик амалиётини ишлаб чиқиш имконини беради.

Хулоса: Чаноқ сон бўғими капсуласи бойламлари капсуланинг олд юзасидаги синовиал чўнтакчага яқин турган юзада хаотик жойлашган дағал толали тузилмаларнинг ўзаро битишмалар хосил қилиши хондроматоз ўчоқларнинг такомил топиши билан тушунтирилади. Айнан хондраматоз ўчоқларнинг юзага келиши битишмалар оралиғида кислотали мукополисахаридларнинг тўпланиши шу сохада дистрофик дисрегенератив жараёнлар юзага келиши билан ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Swarup I, Sutherland R, Burket JC, Figgie MP. Total hip arthroplasty in young patients with post-traumatic arthritis of the hip. //Hip Int. 2017 Nov 21;27(6):546-550.
2. Frysz M, Faber BG, Ebsim R, Saunders FR, Lindner C, Gregory JS, Aspden RM, Harvey NC, Cootes T, Tobias JH. Machine Learning-Derived Acetabular Dysplasia and Cam Morphology Are Features of Severe Hip Osteoarthritis: Findings From UK Biobank. //J Bone Miner Res. 2022 Sep;37(9):1720-1732.
3. Faber BG, Ebsim R, Saunders FR, Frysz M, Lindner C, Gregory JS, Aspden RM, Harvey NC, Davey Smith G, Cootes T, Tobias JH. A novel semi-automated classifier of hip osteoarthritis on DXA images shows expected relationships with clinical outcomes in UK Biobank. //Rheumatology (Oxford). 2022 Aug 30;61(9):3586-3595.
4. Hanke MS, Steppacher SD, Zurmühle CA, Siebenrock KA, Tannast M. Hips With Protrusio Acetabuli Are at Increased Risk for Failure After Femoroacetabular Impingement Surgery: A 10-ear Followup. //Clin Orthop Relat Res. 2016 Oct;474(10):2168-80.
5. Herath SC, Holstein JH, Pizanis A, Pohlemann T. Azetabulum frakturen: Komplikationen und Endoprothetik [Fractures of the acetabulum: complications and joint replacement]. //Z Orthop Unfall. 2014 Aug;152(4):399-413.
6. Söylemez MS, Kemah B, Poyanli O. Arthroscopy-Assisted Reduction and Fixation of Femoral Head and Acetabulum Fractures: A Systematic Review of the Literature. //Orthop Surg. 2022 Apr;14(4):652-662.